

Jizzakh Polytechnic Institute

Teacher of the "Social Sciences" department

Tajibayev Muxiddin Abdurashidovich

**"PUBLIC CULTURE" IS A DEFECT COMPLETELY FOREIGN TO OUR
UZBEKA VALUES**

Annotation: This article discusses the harmful effects of "Popular Culture" and its various manifestations on the minds of our people and youth.

Key words: "Public culture", value, spirituality, education, honor, shame and anxiety, shame, iba and chastity.

Тажибаев Мухиддин Абдурашидович

Жиззах политехника институти

**"ОММАВИЙ МАДАНИЯТ"- ЎЗБЕКОНА ҚАДРИЯТЛАРИМИЗГА
МУТЛАҚО БЕГОНА ИЛЛАТ.**

Аннотация: Ушбу мақолада "Оммавий маданият" ва унинг турфа кўринишларининг халқимиз ва ёшларимиз онгига зарарли таъсири ҳақида фикр юритилади.

Калит сўзлар: "Оммавий маданият", қадрият, маънавият, тарбия, орномус, уят ва андиша, шарму хаё, ибo ва иффат.

Бугунги кунда инсон маънавиятига қарши йуналтирилган, бир қарашда арзимас бўлиб туюладиган кичкина хабар ҳам ахборот оламидаги глобаллашув шиддатидан куч олиб, кузга кўринмайдиган, лекин зарарини ҳеч нарса билан қоплаб бўлмайдиган улкан зиён етказиши мумкин. Бу - бизга четдан кириб келаётган, ўзбекона қадриятларимизга мутлақо ёт бўлган маънавий ва ахлокий тубан иллатларни ўз ичига олган «оммавий маданият»нинг миссионерлик кўринишидаги айрим хуружларидан бири бўлган «14 февраль - «Севишганлар куни» ёки «Авлиё Валентин куни» ҳақидадир.

Қадимги Римда Авлиё Валентин куни Луперкалий байрами - эротик фестивал сифатида нишонланган. Бу - аёл худо Жуно Фебруата билан худо Луперк ўртасидаги ишкий муносабатлар билан боғланган. Бирорта дин бу

кунни байрамини нишонламайди.

Ўрта асрларда уруш пайтида роҳиб Валентин севишганларга гувоҳларсиз, ноқонуний никоҳ ўқиб қўя бошлайди. Рим императори Клавдий II уни қамоққа олиб, ўлим жазосини белгилайди. Қамоқда у турма нозирининг қизи Жулия билан танишади. Ўлими олдидан унга севги изҳори ёзилган юрак шаклидаги «валентинка»ни юборади. Уни 269 йил 14 февраль куни қатл қилишади.

XIX асрда Буюк Британияда қулбола валентинкалар ишлаб чиқиладиган бошланди. Бу эса байрамларни тижорийлашувини бошлаб берди. Севги мавзуси ҳам тижоратлашади. Севгили сўзлар уфурган янги байрамлар пайдо бўла бошлайди. Умумроссия ижтимоий фикрни ўрганиш Маркази (ВЦИОМ) ва Юрий Левадининг таҳлилий маркази маълумотларига кўра Россия ёшлари орасида бу байрам кенг тарқалиб бормоқда. «Севишганлар куни»ни байрам қилувчилар кўпайгани сари садоқат камайиб, ажримлар кўпая бормоқда. Россиянинг «Известия» газетасида мамлакатда кейинги йилларда ҳар 1000 оиладан 800 таси ажрашаётгани эълон қилинди. Оқибатда 400 000 нафар вояга етмаган болалар етимга айланмоқда. Турмуш қуриш ёшида, бироқ, оила қурмаганлар сони 40 фоизга ошган¹.

Дунёда қатор ёшлар ташкилотлари, динлар вакиллари ҳам бу байрамга салбий муносабатда. Чунки «Севишганлар куни»нинг негизида қадимги Римда ўтказилиб келинган луперкалий эротик байрами ётибди. Бу байрамнинг динларга алоқаси йўқ, балки барча динларнинг қадриятларига зид. Чунки Луперкалий байрамида ахлоқсизлик, тартибсиз жинсий алоқалар қўллаб-қувватланган.²

Ёшлар ташкилотлари бу байрамга миллий маданиятга таҳдид сифатида кескин муносабат билдиришган. Чунки одамлар буюм бозорларида «Модная девушка» деган балоғатга етган, бир кўкраги очик, ўта калта юбка кийдириб қўйилган қиз кўғирчоклар, беҳаё ҳолатда турган қизлар сурати тагига шахвоний «изхор»лар битилган «валентинка»лар сотилаётганини кўрмоқдалар. Уларнинг ёнида болаларга капалак, дарахт, куёнчаларни эмас, балоғат ёшидаги

1 <http://www.vokrugnovostei.ru/news/> 2

2 Мария В. День Святого Валентина: история праздника // ВСМ.ru.

қизларнинг ножоиз суратлари билан «Наклей и раскрась» деган дафтарлар бор. Қизалокларга буялган суратларига қараб, ранг танлаб, ёнидаги эскизларини бўяш тавсия этилади. Бу 5 ёшли қизалокларга 15 ёшли қизларнинг хаёлларини сингдиришдан бўлак нарса эмас. Инсон бутун умри давомида оладиган маълумотларнинг 70 фоизини 5 ёшгача олади. Ота-оналар айнан шу ёшдаги болаларига бундай эрмакларни сотиб олиб беришлари канчалик фойдасиз эканлигини уйлаб куришлари керак.

Кейинги йиллардаги кузатишлар шундан далолат берадики, 14 февраль куни мамлакатимизда фаолият олиб бораётган айрим радиоканалларни тинглаш жараёнида телефон кўнғироқларини 97 фоизи тарихи кўпчиликка маълум бўлмаган «Валентин куни» хусусида бўлади. Ёшлар бир-бирини табриклаган, бугун бизнинг кунимиз экан, деб, ота-оналари эшитса ёқа ушлайдиган «севги изоҳлари»ни эфир тўлкинлари воситасида етказишади. Бизнингча, табиатимизга, миллий урф-одат ва қадриятларимиз ҳамда менталитетимизга бегона бўлган «Валентин куни» номи билан кириб келаётган бу «байрам» аслида миссионерларнинг найрангларидан бири ҳисобланади. Чунки миллатни бузиш, мамлакатни таназзул ёқасига олиб келишнинг энг машҳур йули - унинг ёшларини йулдан адаштиришдир.

«Севишганлар куни». Кулоққа, юракка сарёғдек ёқимли, лекин миллат маънавияти, ахлоқи, саломатлигига халокатли «фестиваль». Айрим ёшларимиз кўр-кўрона ўзларига байрам қилиб олган бу кун аслида динларга ҳам, ахлоққа ҳам зид байрам. Демак бу ҳолатга жиддий эътибор лозим. Пайғамбаримиз ўз ҳадисларида ким қайси қавмга тақлид қилса, ўша қавмдан бўлиб қолиши тўғрисида огоҳлантирган.

Бу «байрамда» Биринчи президент И.Каримовнинг «Юксак маънавият - енгилмас куч» номли маънавият соҳасидаги фундаментал асарида бизни огоҳлантирган аломатларнинг ҳаммаси мужассам. Асарда «Табиийки, «оммавий маданият» деган ниқоб остида ахлоқий бузуқлик ва зўравонлик, индивидуализм, эгоцентризм ғояларини тарқатиш, керак бўлса, шунинг ҳисобидан бойлик орттириш, бошқа халқларнинг неча минг йиллик анъана ва

қадриятлари, турмуш тарзининг маънавий негизларига беписандлик, уларни қўпоришга қаратилган хатарли таҳдидлар одамни ташвишга солмай қўймайди», дейилади.

Хуллас юрт тараккиёти учун бел боғлаган хар қандай инсон бир ишга қўл уришдан олдин, яхшилаб ўйлайди: Бу иш менга фойда берса ҳам, юртимга зарар бериб қолмасмикан?! Уйлаймизки, юқоридагилардан хулоса чиқариб, Республикамизнинг барча аҳоли қатлами бегона ёт мафкураларга қарши курашишда хушёрликни оширса мақсадга мувофиқ бўлади. Бу борада айниқса, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш институти ҳисобланмиш маҳалла фаоллари ва профилактика инспекторларининг ўрни бекиёсдир.

Хулоса шуки, «оммавий маданият»нинг мақсади - ота-боболаримизнинг онгу тафаккурида минг йиллар давомида шаклланиб, сайқал топган ор-номус, уят ва андиша, шарму хаё, ибo ва иффат каби юксак ахлоқий туйғу ва тушунчалар, қадриятларини йўқ қилиш. Бирорта халқ тан олмаган, кўп мамлакатларда тақиқланган ахлоқсизлик анъаналарига ёшларимизни ўргатиш, ёшлар маънавий оламининг дахлсизлигини бузишга интилувчиларга қарши курашиш кечиктириб бўлмайдиган вазифамиздир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. <http://old.muslim.uz/index.php/rus/maqolalar/item/25892-ommavij-madaniyat-ning-salbij-o-ibatlari>
2. <https://alhidoya.uz/maqolalar/ommaviy-madaniyat-ozini-nima/>
3. Таджибаев, М. (2023). JAMIYAT HAYOTIDA SINERGETIK DUNYOQARASH PARADIGMASINI TADQIQ QILISHNING ANAMIYATI. Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари/Актуальные проблемы социально-гуманитарных наук/Actual Problems of Humanities and Social Sciences., 3(10).
4. Обилқосимов, М., & Тажибаев, М. А. (2023). СИНЕРГЕТИК ЁНДАШУВ-МАВХУМ ФАЛСАФИЙ ҚОИДАЛАРНИ ИЛМИЙ АСОСИ.
5. Тажибаев, М. А. (2023). ИЛМ-ФАНДА СИНЕРГЕТИК МОДЕЛЛАШТИРИШНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ.

6. Тажибаев, М. А. (2023). ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН-СЕРҚИРРА ИСЛОҲОТЛАР ЖАРАЁНИДА БАРПО БЎЛМОҚДА. Лучшие интеллектуальные исследования, 11(5), 22-28.
7. Тажибаев, М. А. (2023). ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИНИНГ ИСТИҚБОЛЛАРИ: СИНЕРГЕТИК ЁНДАШУВ. Экономика и социум, (1-2 (104)), 514-517.
8. Тажибаев, М. А. (2022). 2022-2026 ЙИЛЛАРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИДА ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА СИНЕРГЕТИК ЁНДАШУВ. Экономика и социум, (9 (100)), 621-624.
9. Тожибоев, М. А. КОМИЛ ИНСОННИ ВОЯГА ЕТКАЗИШДА МАФКУРАВИЙ ТАРБИЯ ОМИЛЛАРИ.
10. Ro'Ziyev, A. (2022). Spiritual and enlightenment work is a significant step towards the upbringing of youth. Scientific progress, 3(10), 65-71.
11. Jumanazarovich, R. A. (2022). Spiritual and Enlightenment Work is a Significant Step Towards the Upbringing of Youth. The Peerian Journal, 13, 87-92.
12. Ruziev, A. J. (2019). Изучение мировоззрения и деятельности мыслителей как исторического критерия. Theoretical & Applied Science, (11), 166-169.